

I. Асосий фаолият тури бўйича.

Тошкент шаҳар транспорт мажмуаси томонидан 2017 йил 1-чорак яқунлари бўйича:

- **347,9 млн.йўловчи ташилиши**, режа 101,7%га бажарилиши кутилмоқда, 5,7 млн.йўловчи кўп ташилиши, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати 0,5 %ни ташкил этиб, 1,8 млн.йўловчи кам ташилиши кутилмоқда;

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишлаб 2017 йил 14 январь куни ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ олдида қўйилган вазифалар ва берилган топшириқлар ижроси тўғрисида.

1. Автобус саройлари қошида ташкил этилган 4 та корхоналарнинг жами 140 та "фил суюги" рангли, "Кобальт L" русумли енгил автомобилларни тасарруф этиш натижасида 2017 йил 1-чорак яқунлари бўйича 685,0 млн.сўм миқдорида тушум олиниши кутилмоқда.

Ахоли ва юридик шахсларга кўрсатиладиган қўшимча пуллик хизматлар (транспорт хизматлари, ижара, реклама ҳамда хусусий ташувчиларга ҳаракат таркибининг қатноволди техник кўрик ва хайдовчиларга медицина кўриги, автомобиллар тураргоҳи) бўйича 2017 йил 1-чорак яқунлари бўйича 1,0 млрд.сўм атрофида даромад олиниши кутилмоқда.

Бугунги кунда 128 та шаҳар йўналишларида тасарруф этилаётган автобусларга жами 1 357 та GPS-трекерлари ва GPS/GSM-антенналари ўрнатилди. Ҳаракат таркибининг ҳаракатини узоқдан назорат қилиш тизимидан (GPS) асосий иқтисодий самарадорлик автобус йўналишларини назорат қилиш орқали эришилди (ҳаракат интервалларига риоя қилишни таъминлаш, йўналишлардан автобусларнинг техник сабабларга асосан қайтиб киришини ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишини камайтириш).

Бундан ташқари Мамлакатимиз мустақилигининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида Тошкент шаҳри йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш учун ҳамда жамоат транспортида GPS-тизимининг ишлашини такомиллаштириш мақсадида Мобил мосламаларидан фойдаланувчилар учун «**TASHBUS**» мобил иловаси йўлга қўйилган бўлиб, мобил воситалар фойдаланувчининг унинг ёрдамида автобуснинг бекатга етиб келиш вақтини билиб оладилар ҳамда Тошкентнинг электрон харитасида автобусларнинг «**он-лайн**» режимида ҳаракатланиши кузатилиши мумкин.

Шунингдек, фойдаланувчилар илова ёрдамида қуйидаги имкониятларга ҳам эга:

- танланган йўналишдаги автобусларнинг ҳаракатини кузатиш;
- автобусларнинг танланган бекатга келиш вақтига маълумотга эга бўлиши;
- танланган бекатдан қайси йўналишлар ўтиши ҳақида маълумот олиши;
- энг яқиндаги автобус энг яқин бекатгача оралиқ масофани (дистансия) билиб олиши ва яна бошқа ҳар-хил фойдали функциялар.

Ҳозирги вақтда ушбу иловани 100 мингга яқин ҳамшаҳарларимиз «**TASHBUS**» мобил иловасини юклаб болган.

Йўловчиларга қулайлик яратиш, шаҳар йўловчи транспортга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилишни таъминлаш мақсадида шаҳар жамоат транспорти бекатларига «**Электрон**

маълумотлар таблоси”ни ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда **20 та** бекатга ушбу таблолар ўрнатилган. Йўловчилар “Электрон маълумотлар таблоси”дан фойдаланган ҳолда ушбу бекатдан ўтувчи автобусларнинг йўналиш рақами, уларнинг бекатга қайси вақтда келиши, об-ҳаво ва валюталар курси тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин. Ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Шаҳар жамоат транспорти корхоналари молиявий аҳволини мувофиқлаштириш йўналишида бир қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан:

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра “Тоштранспетчерхизмат” УК штат жадвали бўйича 133 та йўналиш нозимлари мавжуд бўлиб, амалда 130 та йўналиш нозимлари ишламоқда. 2017 йил давомида унитар корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш, иш жараёнини оптималлаштириш ҳисобига йўналиш нозимлари сонини қисқартириш чоралари кўрилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобига жамият тизимидаги автобус саройлари томонидан 140 дона “ISUZU” русумли автобусларни харид қилиниши белгиланган. 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги 9 та автобус саройлари томонидан 140 дона “ISUZU” русумли автобусларни харид қилиш учун бизнес-режалар ишлаб чиқилган, “Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖ билан шартномалар имзоланган. Ҳозирги пайтда автобус саройлари томонидан автобусларни харид қилиш учун тегишли банк муассасалари билан кредит шартномалари шартлари келишилмоқда.

Шу билан бирга, 2017 йил 100 дона “ISUZU” русумли автобусларни сиқилган табиий газда (СТГ) ишлаш учун қайта жиҳозлаш режалаштирилган. Ушбу ишлар жорий йилнинг 2-чорагидан бошлаб амалга оширилади.

III. “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти фаолияти ҳамда унга юклатилган вазифалар бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича.

2017 йил 1-чорак якунларига кўра «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармони, 8 та қарори ва 1 та Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори ва 4 та фармойишлари келиб тушди ва рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармонини бажарилиши бўйича жамиятнинг 4 та буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та Фармойишини бажарилиши бўйича жамиятнинг 1 та буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та қарорининг бажарилиши бўйича жамиятнинг 8 та буйруғи қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори ва 4 та фармойишларининг бажарилиши бўйича жамиятнинг 11 та буйруғи қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори ва 2 та фармойиши бўйича 2 та чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

IV. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг ижроси бўйича.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2017 йил 24 мартда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини бажариш тўғрисида”ги 74-сонли буйруғи қабул қилинди ва 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ дастури тасдиқланди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастури доирасида 2017 йил 1-чорак яқунларига кўра “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига юборилган мурожаатларни кўриб чиқиш, ўз вақтида бажарилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2721-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2017 йил 13 январдаги 7-сонли буйруғи билан жамият Фуқаролар қабулхонаси мудирини лавозими жорий қилинди. Жамият ва жамият тизимидаги барча корхоналарда Фуқаролар қабулхоналари ташкил этилиб, зарур компьютер техникаси, анжомлар, мебель туркуми билан жиҳозланган ва фуқаролар қабуллари мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда. 2016 йил 25 сентябрдан жорий йилнинг 21 апрелига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга тўғридан-тўғри жами **695 та** фуқароларнинг мурожаатлари келиб тушди, шулардан 683 таси кўриб чиқилиб, 12 таси жараёнда. Кўриб чиқилган мурожаатлардан 683 таси бўйича жавоблар мурожаатчилар томонидан қабул қилинган. Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 683 тасидан 123 таси бўйича мурожаат қаноатлантирилган, 546 таси бўйича тушунтириш берилган, 7 таси бўйича рад жавоби берилган ва 7 таси бўйича мурожаат кўрилмасдан қолдирилган (аноним бўлгани учун). Ҳозирги вақтда мурожаатларга жавоблар ўз вақтида ўрнатилган тартиб бўйича бериб борилмоқда ва порталга киритилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бошқарув раиси томонидан 2017 йил 21 апрель ҳолатига жамиятда ташкил этилган Фуқаролар қабулхонасида жами 72 нафар шахс қабул қилинди. Шулардан, 43 нафари ариза, 17 нафари шикоят ва 12 нафари таклиф билан мурожаат қилган. Мурожаатларнинг 45 таси жамият тизимидаги корхоналар фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича бўлган бўлса, қолган 27 таси фуқароларнинг шахсий масалалари билан боғлиқ бўлган мурожаатларни ташкил қилди. Юқорида кўрсатилган мурожаатларнинг 14 таси жойида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган, 1 таси бўйича рад жавоби берилган, 23 таси бўйича керакли тушунтиришлар берилган, 20 таси қўшимча ўрганиш учун қабул қилинган ва 14 таси тегишлилиги бўйича юборилган;

- тармоқ корхоналарида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” ахборот-кўرғазмали бурчаклари ташкил этилиб, бунинг учун 10,0 млн.сўм маблағ сарфланди;

- шаҳар 3-сонли клиник шифохонада “2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” муносабати билан корхоналарда меҳнат қилаётган хотин-қизларни бепул тиббий кўрик диспансеридан ўтказиш ташкил қилиниб, бунинг учун 21,5 млн.сўм сарфланди;

- тармоқ корхоналарида узоқ йил меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийларга, ишчи - ходимларга 42,0 млн.сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди;

- корхоналарда меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийларга театр ва концертларга 8,0 млн.сўмлик чипталар харид қилиниб, бепул тарқатилди;

- яққа-ёлғиз фахрийларнинг уйларига бориб кўриш ташкил қилиниб, улар учун 7,6 млн.сўмлик озиқ-овқат, дори-дармонлар харид қилинди;

- тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчиларни ва аёлларни соғломлаштириш учун санатория ва стационарларда даволанишига ва санаторияда соғломлаштиришга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Ушбу тадбир учун 38,0 млн.сўм сарфланди;

- ногирон фарзанди мавжуд бўлган ходимлар оилаларига 1,5 млн.сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди;

- корхоналар ходимлари учун 8 март байрами муносабати билан жамият корхоналарида меҳнат қилаётган аёлларга мукофот пуллари ва гуллар ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. “Наврўз” байрами муносабати билан жамият тизмидаги корхоналарда байрам дастурхони ёзилиб, карнай сурнай наволари остида сумалак ва ош тарқатилди. Ушбу тадбирларга 2017 йил 1-чораги давомида 49,6 млн.сўмлик ҳаражатлар қилинди.

V. Янги иш ўринлари яратиш дастури ижроси бўйича.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналарида 2017 йил давомида **160 та** янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Янги иш ўринлари яратилиши автобус саройлари томонидан йўловчи ташишга мўлжалланган янги автобусларни харид қилиш ҳисобига жорий йилнинг III-ва IV-чоракларида режалаштирилган.

VI. Маҳаллийлаштириш дастурининг ижроси бўйича.

Жамият таркибига кирувчи корхоналар томонидан бўш турган майдонлар юридик ташкилотларга ва хусусий тадбиркорларга ижарага берилиб, ҳар хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шу жумладан, “2-автобус саройи” МЧЖда бўш турган бинодан самарали фойдаланиш мақсадида ойна ишлаб чиқаришга ихтисослашган “TRUCK AND BUS GLASS” МЧЖ ташкил этилган. 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича қиймати 34,0 млн.сўмлик транспорт воситалари учун автоойналар ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

“1-автобус саройи” МЧЖ иштирокида ташкил этилган “АвтоТрансТикув Маш” МЧЖ томонидан 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича 50,0 млн.сўмлик жамият корхоналари ходимлари учун махсус кийим ва тикув маҳсулотлари тикилиши кутилмоқда.

VII. Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 мартдаги “2016 йилда X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чоралари тўғрисида”ги 67-сонли қарорига асосан 2016 йил октябрь ойида бўлиб ўтган X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар томонидан 2017 йилга 122 та шартномалар имзоланди.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари кесимида 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича:

а) 3 та корхона режа топшириқларини умуман бажармаган:

“Тоштрансдиспетчерхизмат” УК,

“5-автобус саройи” МЧЖ,

“8-автобус саройи” МЧЖ;

б) 8 та корхона режа топшириқларини 4,1% дан 91,6%гача бажарган:

“Truck and Bus Service” МЧЖ-4,1%,
“4-автобус саройи” МЧЖ-10,3%,
“18-автобус саройи” МЧЖ -13,4%,
“2-автобус саройи” МЧЖ-16,0%,
“12-автобус саройи” МЧЖ-19,7%,
“Тошавтотаъмирхизмат” УК-39,4%,
“Тошйўловчитрансхизмат” УК-61,2%,
“1-автобус саройи” МЧЖ - 91,6%.

в) Фақат 2 та корхона режа топшириқларини ортиғи билан бажарган:

“7-автобус саройи” МЧЖ – 131,5%,
“3-автобус саройи” МЧЖ – 269,0%.

VIII. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги 129-сонли қарори ижроси бўйича маълумот

Тошкент шаҳри йўловчи ташиш транспортини бошқариш ва ташкиллаштириш тизимини янада ривожлантириш, ташишлар сифати ва хавфсизлигини ошириш, транспорт инфратузилмасинининг янгиланишини таъминлаш, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш мақсадида 2017 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги 129-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 17 мартдаги 283-сонли қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қарор топшириқларини бажариш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2017 йил 15 мартда 67-сонли буйруғи қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 129-сонли қарори билан тасдиқланган комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни бажариш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, ишчи гуруҳлари аъзолари тасдиқланди ва уларга аниқ вазифалар топширилди.

Ушбу қарор бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 мартдаги 05/1-348-сонли топшириғини бажариш мақсадида Амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилди ҳамда 2017 йил 16 март куни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси А.Раматов томонидан тасдиқланди (№05/1-348. 17.03.2017й.).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги 9 та автобус саройлари томонидан 140 дона “ISUZU” русумли автобусларни харид қилиш учун бизнес-режалар ишлаб чиқилиб, тижорат банкларига киритилди. “Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖ билан шартномалар имзоланди. Ҳозирги пайтда автобус саройлари томонидан автобусларни харид қилиш учун тегишли банк муассасалари томонидан кредит шартномалари шартлари келишилмоқда.

Катта сифимли “MAN” русумли автобусларни харид қилиш мақсадида консалтинг компаниялари таклифлари олинмоқда, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар бўйича ишлар ташкиллаштирилди.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан жамоат транспортига электрон тўлов тизимини жорий этиш лойиҳаси (АСОП) бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳаси тайёрланиб, вазирликнинг 2017 йил 23 мартдаги 21-8/1811-сонли хати билан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш учун киритилди. Ҳозирги кунда қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Ички ишлар, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Марказий банк, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси рақобат ва божхона қўмиталари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон банклар Ассоциацияси, “Алоқа банк” АТБ, “Тошкент метрополитени” ДУК билан келишилган.

Қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 18 апрелдаги 21-8/2397-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилган.

3. 2017 йил 15 март куни “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 5-12/158-сонли хати 18 та вазирлик ва идораларга юборилиб, унда “Тошкент шаҳар йўловчи транспортини ривожлантириш Концепцияси”ни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳи ташкил этилаётганлиги ҳамда ушбу ишчи гуруҳга киритирилиши учун мутахассис кўрсатилиши сўралган. Вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида ишчи гуруҳи шакллантирилиб, унинг биринчи йиғилиши 2017 йил 30 март куни “Тошшаҳартрансхизмат” АЖда ўтказилди. Йиғилиш давомида Концепцияни ишлаб чиқиш бўйича ишлар белгилаб олинди, ишчи гуруҳи аъзолари рўйхати тасдиқланди ва йиғилиш якуни бўйича 18-сонли баённома қабул қилинди. Йиғилиш топшириқларини бажариш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 2017 йил 4 апрелда тегишли вазирлик ва идораларга 5-16/192-сонли хат юборилиб, Концепцияни ишлаб чиқиш бўйича намунавий тадбирлар рўйхати ва саволномалар илова қилинди. Ҳозирги вақтда тегишли вазирлик ва идоралардан маълумотлар олиниб, таҳлил қилинмоқда.

4. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 2017 йил 22 мартда 11-18/163-сонли ва 14 апрелда 11-18/216-сонли хатлар Тошкент шаҳар ИИББга юборилиб, 129-сонли қарорда белгиланган вазифаларни, яъни 7; 8 ва 18 автобус саройларига автобусларнинг хавсиз кириб-чиқишини таъминлашда амалий ёрдам берилиши сўралган.

Ушбу масала юзасидан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 2017 йил 21 апрелда 11-16/236-сонли хат Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ва “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУКга юборилган.

5. 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб янги тартиб бўйича, яъни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли муассасалари тиббиёт ходимлари иштирокида жамият тизимидаги автобус саройлари ҳайдовчиларининг рейс олди мажбурий кўриқдан ўтказилиши амалга оширилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 16 мартдаги 13/1-07998-сонли хати билан йўловчи ташувчилар томонидан

лицензия талабларининг бажарилиши, лицензиясиз хизматлар кўрсатилиши бўйича қўшма рейдлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилиши таклифи берилган.

7. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2017 йил 23 мартдаги 3/1056-сонли хатида “Шаҳар йўловчи транспортининг автобус йўналишлари масофаси ва ноллик масофа босиб ўтиладиган йўлини ўлчаш тартиби” ва “Чипта-ҳисоб ва йўл варақаларини тўлдириш бўйича Йўриқнома”га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Агентликнинг буйруғи лойиҳаси тайёрланаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2017 йил 3 апрелдаги 3/1215-сонли хати билан “Автобус йўналишлари в шаҳар йўловчи ташиш транспортининг ноллик масофаларини ўлчаш тартиби тўғрисида Низом” кўриб чиқиш учун киритилган. Ушбу Низом бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг 2017 йил 19 апрелдаги 7-05/421-сонли хати билан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига юборилган.

8. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги “Ўқув ишлаб чиқариш маркази” МЧЖ томонидан ҳайдовчиларнинг “Йўл қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги асослари” бўйича малакасини ошириш учун 38 соатлик семинар машғулотларининг ўқув дастури ишлаб чиқилиб, 2017 йил 1 апрелда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан тасдиқланди. “Ўқув ишлаб чиқариш маркази” МЧЖ томонидан 2017 йил 3 апрелда жамият тизимидаги автобус саройларига 4/31-сон хат юборилиб, унда 25 нафардан 2 та гуруҳ ҳайдовчиларни ўқитиш режалаштирилганлиги кўрсатилган.

2017 йил 17 апрелдан бошлаб ҳайдовчиларнинг 25 нафаридан иборат биринчи гуруҳи махсус дастур асосида ўқишни бошлади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сонли қарорининг 13-банди талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2017 йил 5 апрелдаги 9-18/193-сонли хати билан тегишли вазирлик ва қўмиталарга (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҚХББ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги) келишиш учун юборилди.

Шу билан бирга “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2017 йил 6 апрелдаги 9-8/196-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарор лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш учун юборилганлиги тўғрисида маълумот киритилди.

IX. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича бажарилмай қолган вазифалар, мавжуд камчиликлар ва муаммолар

1. Ҳаракат воситаларининг ўрнатилган графиклар бўйича йўналишларга чиқарилишини таъминлаш мақсадида уларни эҳтиёт қисмлар, автошиналар, аккумулятор батареялари ва бошқалар билан ўз вақтида таъминланиши зарур. Автобус саройлари ҳаражатларини камайтириш мақсадида ҳамда автошиналарни мақбул нархларда сотиб олинишини таъминлаш учун автошиналарни ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилиши орқали импорт қилиш йўли билан олиб келиниши натижасида ҳаражатлар тахминий ҳисобларга асосан 12,0 млрд.сўмга камайтириш мумкин. Ушбу масаланинг ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда чет эл ишлаб чиқарувчилари билан ўрнатилган тартибда импорт шартномаларини тузиш ишларини ташкиллаштириш зарур.

2. Тошкент халқа йўли атрофида автошоҳбекатларнинг қурилиши ҳамда “Тошкент метрополитени” ДУКнинг “Пахтакор”, “Беруний”, “Олмазор”, “Дўстлик”, “Чорсу” ва “Туркистон” бекатларида автобуслар ва йўналишли таксиларнинг охириги бекатларини боғлаган ҳолда автошоҳбекатларнинг реконструкция қилиниши Тошкент шаҳри транспорт логистикасини такомиллаштиришга имкон бериб, йўналишлар тармоғини оптималлаштиришга олиб келади, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 129-сонли қарори топшириқларидан келиб чиққан ҳолда ишларни жадаллаштириш ва қарорда кўрсатиб ўтилган муддатларда бажарилишини таъминлаш зарур.

3. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналарнинг пахта мавсумида теримчиларни ташиш билан боғлиқ ҳаражатларини ўз вақтида қоплаб берилиши, 2015-2016 йиллар мавсумидан қолган 1,14 млрд.сўмлик дебиторлик қарздорликларнинг тўлиқ равишда ундирилиши автобус корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

4. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ тизимидаги корхоналар томонидан чекланган тарифлар асосида транспорт хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ зарар миқдорининг маҳаллий бюджет томонидан қоплаб берилиши масаласи ўз ечимини ҳанузгача топгани йўқ.

5. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар молиявий аҳволини барқарорлаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 июнда 444-Ф сонли фармойиши қабул қилинган. Ушбу фармойишда “Мерседес-Бенц” русумли автобуслар учун эҳтиёт қисмларни пул маблағларини конвертация қилиш йўли билан импорт контрактлари орқали харид қилиниши топширилган. Фармойиш топшириқларини бажариш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган эҳтиёт қисмлар ва материалларни “EVO BUS GmbH” (Германия) компанияси билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали олиб келиш тўғрисида “Тошавтотаъмирхизмат” УК ва “EVO BUS GmbH” компанияси ўртасида 2016 йил 6 октябрда қиймати 4 437,0 минг еврога тенг UZ 01/2016-сон шартнома имзоланган. Шу билан бирга унитар корхона билан “Ориент финанс банк” АТБ ўртасида кредит шартномаси имзоланган. Банк томонидан 10,0 млрд.сўмга тенг маблағ (8,0 млрд.сўм банк кредити ва 2,0 млрд.сўм “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корхоналари маблағлари) конвертация қилинган (курс ҳисобида 2 845,0 минг евро). 2017 йил 13 январда 2 845,0 минг евро пул маблағларига аккредитив

очилич, Германияга SWIFT код юборилган ва “EVO BUS GmbH” компанияси томонидан аккредитив олинганлиги тасдиқланган.

Ҳозирги пайтда эҳтиёт қисмларнинг Германиядан ортилиши бошланиб, 2017 йил 21 мартда 520,8 минг евро қийматли, 4 апрелда 288,6 минг евро қийматли эҳтиёт қисмлар Тошкент шаҳрига келтирилиб, божхона расмийлаштирилиши амалга оширилмоқда. Ушбу партия эҳтиёт қисмлар божхона ИМ 70 режимида “Озодлик” омборхонасида сақланмоқда. Эҳтиёт қисмларнинг 308,9 минг евро қийматли учинчи партияси жорий йил апрель ойининг охирига қадар Тошкент шаҳрига келиши кутилмоқда.

Юқорида кўрсатилган фармойишда Германиядан олинган эҳтиёт қисмларнинг божхона тўловларидан озод қилиниши 2017 йил 1 июнгача кўрсатилган. Аккредитивнинг кеч очилиши ва Германиядаги тегишли ташкилотлар томонидан эҳтиёт қисмларни жўнатиш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришга кўп вақт кетганлиги сабабли кўрсатилган божхона тўловлари бўйича имтиёз муддатини 2019 йил 1 январга қадар узайтириш мақсадга мувофиқ.

Х. “Тошшаҳартрнсхизмат” АЖ томонидан 2017 йил 2-чорак ҳамда I-ярим йиллик мобайнида эришиладиган натижалар тўғрисида.

I. 2017 йил 2-чорак бўйича кутилаётган натижалар.

2017 йилнинг 2-чорагида “Тошшаҳартрнсхизмат” АЖ тизимидаги автобус саройлари томонидан жами **53,4 млн.йўловчи** ташилиши кутилмоқда. Режага нисбатан пасайиш суръати 3,3%ни, яъни **1,8 млн.йўловчи** кам ташилиши кутилмоқда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати 18,9%ни ташкил этиши кутилмоқда.

II. 2017 йил I-ярим йиллик бўйича кутилаётган натижалар.

2017 йилнинг I-ярим йиллик якунлари бўйича “Тошшаҳартрнсхизмат” АЖ тизимидаги автобус саройлари томонидан жами **114,1 млн.йўловчи** ташилиши кутилмоқда. Режага нисбатан ўсиш суръати 0,9%ни, яъни **1,1 млн.йўловчи** кўп ташилиши кутилмоқда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш суръати 20,3%ни ташкил этиши кутилмоқда.

2017 йил 2-чорак мобайнида қуйидаги ишларнинг амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Йўловчиларга сифатли ва маданиятли транспорт хизмати кўрсатишни таъминлаган ҳолда йўловчилар ташиш миқдори ва даромад прогноз кўрсаткичларини бажариш чораларини кўриш.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги “Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сонли қарори топшириқларини ўз вақтида ва тўлиқ равишда бажариш.

Шу жумладан:

2.1. 2017 йил учун режалаштирилган 140 дона “ISUZU” русумли автобусларни харид қилиш учун тижорат банклари билан кредит шартномалари шартларини кўриб чиқишни якунлаш ҳамда янги автобусларнинг жамият тизимидаги автобус саройлари тасарруфидаги йўналишларда йўловчиларга хизмат қилишини йўлга қўйиш.

2.2. “MAN” русумли катта сиғимли автобусларни харид қилиниши учун техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни якунлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилиши учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликларига юбориш.

2.3. Тошкент шаҳар йўловчи транспортида йўл кира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилиниши билан ишларни жадаллаштириш.

2.4. Ҳаракат таркибини масофадан туриб “он-лайн” тарзда бошқариш GPS тизими жорий қилиниши ҳамда ойлик йўл карточкаларининг метрополитен учун ҳам жорий қилинганлиги муносабати билан “Тоштранспетчерхизмат” УК ва “Тошйўловчитрансхизмат” УК ходимлар сонини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сонли қарорида кўрсатилган муддатларда оптималлаштириш.

2.5. Шаҳар ер усти йўловчи транспорти охириги бекатларини Тошкент метрополитенининг “Пахтакор”, “Беруний” ва “Олмазор” бекатлари билан боғлаш мақсадида уларни Тошкент шаҳар ҳокимияти масъул ташкилотлари томонидан ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиш ишларида зарур бўлган амалий ёрдамни кўрсатиш.

2.6. Йўловчи транспорти йўналишларида тасарруф этилаётган автобуслар учун дизель ёқилғиси ва сиқилган табиий газ бўйича дифференцияланган нормаларнинг “Илмий-техник марказ” МЧЖ, “Ўзнефтмаҳсулот” АК томонидан ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланишида зарур бўлган амалий ёрдамларни кўрсатиш.

2.7. Шаҳар йўловчи транспорти автобус йўналишларининг ноллик ва йўналиш масофаларини аниқлашнинг Тартибини Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ишлаб чиқилишида ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишида зарур бўлган амалий ёрдам кўрсатиш.

2.8. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2003 йил 1 августдаги 108-сонли буйруғи билан тасдиқланган чипта-ҳисоб ва йўл варақаларини тўлдириш Йўриқномасига “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги автобус саройлари ҳаракат таркибини масофадан туриб “он-лайн” тарзда назорат қилиш GPS тизими жорий қилиниши муносабати билан керакли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ишлаб чиқилишида зарур бўлган амалий ёрдам кўрсатиш.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги 129-сонли қарорининг 3-илоvasида тасдиқланган йўналишларни мақбуллаштириш ишларини ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида тизимли равишда олиб бориш.

3. Металл парчалари ва чиқиндиларини топшириш бўйича 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича йўл қўйилган қолақликларни инобатга олган ҳолда, 2-чорак режаларини бажариш чораларини кўриш.

4. 2016 йил октябрь ойида ўтказилган X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхоналар томонидан тузилган шартномаларнинг 2017 йил 1-чорак якунлари бўйича йўл қўйилган қолақликларни инобатга олган ҳолда, 2-чорак режаларини бажариш чораларини кўриш.